

---

## “Ҳоким кубоги” футбол мусобақасининг финал босқичи ўтказилди.

Ҳабарингиз бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбири тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли фармони ижросини ҳамда вилоят ҳокимининг аппарат йиғилишида оммавий спортни ривожлантириш бўйича берган топшириқ ва вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров топшириғига асосан туманидаги барча ташкилот ва корхона ҳодимлари ўртасида спортнинг мини футбол тури бўйича “Ҳоким кубоги” мусобақасига “старт” берилган эди.

Ўтказилган саралаш босқичларида тумандаги 40 тадан ортиқ корхона ташкилотлари иштирок этиб, ўзаро куч синашдилар.

Қизиқарли ўтган баҳсларда туман прокуратураси, Қувадонмахсулотлари АЖ, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳодимларидан иборат жамоалар оқори натижа кўрсатиб финал йўлланмаларини қўлга киритишди.

Жорий йилнинг 5 март куни ўтказилган финал босқичида ушбу жамоалар ўзаро куч синашдилар. Мусобақа якуни билан туман прокуратураси жамоаси 1-ўринни, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси 2-ўринни, Қува тиббиёт бирлашмаси ва Қувадонмахсулотлари АЖ жамоалари фахрли 3-ўринни қўлга киритдилар.

Мусобақа ғолиб жамоалари ҳамда энг яхши натижа кўрсатган иштирокчиларни туман ҳокими Халимжон Умаров эришилган ғалаба билан табриклаб, уларга қимматбаҳо совғалар топширди.

2022-03-05 15:13:36